# ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

(Боши биринчи бетда).

Қорақалпоғистон автоном республикаси қарийб ярим асрдан бери Ўзбекистон ССР составидадир. Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари тарихий тақдирларининг муштараклиги туфайли бирлашганлар. Октябрнинг ғалабаси туфайли кўп асрлик дўстлик ва қардошлик алоқалари равнақ топиб, янги чинакам интернационал мазмун касб этди. Бу алоқалар янги турмуш йўлида биргаликда олиб борилган кураш давомида, социалистик бунёдкорликнинг меҳнат кунларида мустаҳкамланиб, камол топди.

Қорақалпоғистонда социалистик жамият қурилганлиги совет халқлари ягона оиласидаги шу кураш ва фидокорона меҳнатнинг асосий якуни бўлди. Қорақалпоқ халқи тарихан мислсиз қисқа муддатда патриархал-феодал қолоқликдан янги ижтимоий тузум чўққиларига кўтарилди, ривожланган социалистик миллат бўлиб шаклланди, одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Ҳозирги Қорақалпоғистон — ривожланган аграр-индустриал республикадир. Бу ерда экономиканинг ҳамма соҳалари жадал ва узлуксиз ривожланмоқда. Автоном республика партиянинг бунёдкорлик планларини бажаришга, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Нисбатан қисқа вақт ичида бу ерда энергетика, металл ишлаш, пахта тозалаш, енгил, озиқ-овқат саноати ва бошқа саноат тармоқлари вужудга келтирилди. Бинокорлик материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқариш кенг ривожланди. Автоном республика учун янги тармоқ — тўқимачилик саноати корхоналари комплекси қад кўтармоқда.

Ўтган олтмиш йил мобайнида қишлоқ хўжалигида таниб бўлмас ўзгаришлар рўй берди. Автоном республика ерлари унумдор экинзорларга айлантирилди, деҳқонлар замонавий серунум техника билан таъминланган, илм-фан ёрдамида ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Республикада сув хўжалигининг йирик индустриал базаси барпо этилган, ноёб гидромелиорация иншоотлари, қудратли насос станциялари қурилган. Илгари ҳувиллаб ётган минглаб гектар ерлар гуллаб-яшнаб турган воҳага айлантирилди. Деҳқонлар ва чорвадорлар партия билан давлатнинг меҳрибонлигига жавобан қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Коммунистик партия раҳбарлигида автоном республикада маданий революция амалга оширилди, бу революция кенг халқ оммасини замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан, санъатдан баҳраманд этди, миллий зиёлиларнинг, экономика барча тармоқлари малакали мутахассисларининг етишиб чиқишига кўмаклашди.

60 йил муқаддам саводли кишилар камдан-кам бўлган бир ўлка ҳозир фан ва маданиятни ривожлантиришда мислсиз юксак даражага эришди. Қорақалпоқ халқининг адабиёт ва санъати гуллаб-яшнади. Қорақалпоқ социалистик маданияти қардош халқлар маданиятларининг мустаҳкам ўзаро ҳамжиҳатлиги ва ўзаро таъсири шароитида, аввало, улуғ рус халқи маданиятининг баракали таъсирида ривожланмоқда. Қорақалпоқ халқи автоном республика меҳнаткашларининг иккинчи она тили бўлиб қолган рус тили орқали жаҳон маданияти хазиналаридан баҳра олиб, маънавий жиҳатдан ўсди, ўз қобилияти, ўз ижодий имкониятларини тўла равишда рўёбга чиқарди.

Кеча биз Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Навоий ва Хоразм областларининг вакиллари билан биргаликда Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдик, автоном республика рассомлари ва архитекторларининг ишлари билан танишдик, Тахиатош ГРЭСи ва Хўжайли гўшт комбинати коллективлари билан учрашдик. Мана шуларнинг ҳаммаси бизда унутилмас таассурот қолдирди. Биз Қорақалпоғистон АССР экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида улкан парвоз қилганини яққол кўрдик. Биз автоном республика ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари яшаб меҳнат қилаётган жадал суръатни ҳис этдик. Биз ҳозир барча меҳнат коллективлари завқ-шавқ билан ишлаётганликларини равшанроқ сезиб олдик.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар ўтмишга қиёс қилинганида уларнинг нақадар улуғлиги ва бекиёслиги равшан бўлади. Аммо автоном республиканинг одамлари, унинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлиларининг шонли намояндалари энг буюк, чинакам бебаҳо бойликдир. Уларнинг фидокорона, ижодий иши Ўзбекистоннинг, бутун мамлакатнинг меҳнатига қўшилмоқда. Қудратли давлатимиз барча халқлари билан дўстлик уларнинг кучига куч қўшмоқда.

Автоном республика меҳнаткашларининг барча муваффақиятлари КПССнинг, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва унинг жанговар отряди — Қорақалпоғистон область партия ташкилотининг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти билан чамбарчас боғланган. Автоном республика меҳнаткашларининг муваффақиятлари — улар қилган фидокорона меҳнатнинг, қорақалпоқ халқи мамлакатимиздаги барча халқлар билан тобора мустаҳкам ҳамкорлик қилиб, улар билан қардошларча ўзаро ёрдамлашаётганликларининг натижасидир.

Мамлакатимиз халқларининг фикри-зикри, иродаси, куч-ғайрати ҳозирги вақтда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини турмушга татбиқ этишга қаратилган.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг ютуқлари шак-шубҳасиздир. Бироқ партия бизга таълим берганидек, юбилей кунларида ҳам қилинган ишларни реалистик ва талабчанлик билан баҳолаш, эришилган марраларни ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларга таққослаш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми интизомни мустаҳкамлаш, кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида қатъий социалистик тартиб ўрнатиш юзасидан берган принципиал йўл-йўриқлари Қорақалпоғистон область партия ташкилотига ҳам тўла-тўкис таалуқлидир. Автоном республиканинг партия, совет, хўжалик органлари пленум қарорларидан тўғри хулосалар чиқариб олдилар, мавжуд камчиликларни тугатиш учун сабот билан курашмоқдалар, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун ҳамма резерв ва имкониятларни сафарбар қилмоқдалар, деб айтиш учун бугун ҳамма асосларимиз бор, деб ўйлайман. Жипслашган, жанговар Қорақалпоғистон партия ташкилоти ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажаради, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Келгусида янада мураккаб, янада қизғин ишлар қилишимиз лозимлиги учун ҳам бу вазифаларни бажариш айниқса, катта аҳамиятга эгадир. Яна бир неча кундан кейин беш йиллик ўзининг энг масъулиятли тугалловчи йилига қадам қўяди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 15 ноябрдаги мажлисида сўзлаган программавий нутқида таъкидлаганидек, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир корхона ва хўжалик қўшимча резервларни сафарбар қилиши, беш йиллик планнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши, янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳиллик билан бир маромда ишлашни йўлга қўйиши лозим. Ижтимоий ишлаб чиқаришни янада интенсивлашга, халқ хўжалигини оқилона юритишга асосий эътибор берилиши керак. Бизда вужудга келтирилган жуда катта ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланиш, жамики моддий-техникавий ресурсларни тежаб-тергаб ишлатишни таъминлаш зарур. Тежалган хом ашё, ёқилғи ва материаллар билан йилига икки кун ишлаб бериш тўғрисидаги даъват ҳамма жойда партиянинг жанговар топшириғи деб қабул қилинди. Қорақалпоғистон меҳнатчилари бу ватанпарварлик ҳаракатига актив қўшиладилар, деб ишонамиз.

Бу йилни тугаллаш ҳар бир меҳнатчидан зўр ғайрат билан ишлашни талаб қилади. Ишлаб чиқариш программасини тўла ҳажмда уддалаш, беш йилликнинг тугалловчи йилига зарур ишларни бошлаб қўйиш билан кириш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш керак бўлади.

Мисли кўрилмаган совуқ, қаҳратон қиш кўп қийинчиликлар келтириб чиқарди. Аёз чорвадорларнинг ишини айниқса мураккаблаштирди. Нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун, қишловни муваффақият билан ўтказиш учун мардлик ва уюшқоқлик, юксак маҳорат кўрсатиш керак. Қорақалпоғистон даштларининг меҳнатчилари шу фазилатлар соҳиби бўлганликлари учун ҳам улар табиатнинг қийин синовларидан шараф билан ўтишларига ишонамиз.

Деҳқонларнинг ишида узилиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу қиш кунлари келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш, ер ва техникани кўкламга тайёрлаш учун ҳамма иш қилиб қўйилиши лозим.

Бу юбилей автоном республика ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг зарбдор меҳнатини янада жўш урдиради, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Совет Қорақалпоғистонининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарадилар, бунёдкорлик меҳнатининг ҳамма соҳаларида янги ғалабаларга эришадилар, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб равишда кутиб оладилар, Коммунистик партиянинг XXVII съездини шонли зафарлар билан нишонлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқи қардош халқларининг улуғ ленинча дўстлиги шарафига, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига айтилган табрик сўзларини қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев Қорақалпоғистон АССРнинг 60 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг табрикномасини, шунингдек эсдалик совғаси — В. И. Ленин портрети туширилган вазани топширди.

Қорақалпоғистон АССРнинг 60 йиллиги тўғрисида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов доклад қилди. Олтмиш йил мобайнида қорақалпоқ халқи катта йўлни — Владимир Ильич Ленин даҳоси, Улуғ Октябрь нури ёритган йўлни босиб ўтди. Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида, улуғ рус халқининг, ўзбек халқининг ва мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг ёрдами туфайли Қорақалпоғистон экономика, фан ва маданиятни чинакам равнақ топтиришга эришди.

Автоном республиканинг ҳозирги куни, унинг равнақи ва истиқболлари — совет жамияти ривожининг қонуниятли якуни, социализмнинг, совет турмуш тарзининг беқиёс афзалликлари кўринишидир. Бу — ленинча миллий сиёсат, ССР Иттифоқи халқлари мустаҳкам дўстлиги тантанасининг, мамлакат барча миллат ва элатлари чинакам равнақ топиб, ўзаро яқинлашганликларининг ёрқин далилидир.

Ҳозир Қорақалпоғистон меҳнатчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларида, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида ўртага қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Автоном республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, эришилган ютуқлар билан фахрланар эканлар, ҳали ҳам ҳал этилмаган проблемаларга асосий эътиборни қаратадилар. Партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирларни режалаштирган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми шу проблемаларни белгилаб берди.

Халқ хўжалигини интенсивлаш жараёнини жадаллаштиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга, мавжуд қувватлардан имкони борича унумли фойдаланишга эришиш, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтириш зарур. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ер, сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан, агросаноат комплексининг бутун имкониятларидан фойдаланишни анча яхшилаш лозим.

Яқинда Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг ўнинчи сессиясида автоном республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги плани кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Вазифа шундан иборатки, ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз ва совхоз шу планни муваффақиятли бажариш юзасидан амалий тадбирларни аниқ равшан белгилаб, рўёбга чиқариш, беш йилликни муносиб тугаллаш учун ҳамма чораларни кўриш керак.

Автоном республика меҳнаткашлари, деди пировардида докладчи, бутун совет халқи билан биргаликда партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар, Ватан қудратини янада мустаҳкамлаш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик билдирадилар. Шонли юбилей кунларида улар коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун ўзларининг бутун кучлари, билимлари, тажриба ва ғайратларини ишга соладилар, КПССнинг XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб жонажон Коммунистик партияга ваъда берадилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари И. Ж. Жабборов, Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов ўз нутқларида Қорақалпоғистон АССРнинг совет халқлари қардошлик оиласида босиб ўтган шонли йўли ҳақида гапирдилар. Улар автоном республика меҳнаткашларини юбилей билан самимий муборакбод этдилар, уларга экономикани, фан ва маданиятни янада ривожлантиришда янги-янги муваффақиятлар тиладилар.

Ёшларнинг вакиллари тантанали мажлис қатнашчиларини табрикладилар. Улар шонли байрам шарафига ватанпарварлик ишлари ва зафарлари билан келганликларини фахрланиб маълум қилдилар, Партиянинг ҳар қандай топшириғини бажаришга, меҳнатда ва ўқишда янгидан янги муваффақиятларга эришишга тайёр бўлиб туришга ваъда бердилар.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненкога баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари учун байрам концерти қўйиб берилди. Концертда Қорақалпоғистон АССР санъат усталари қатнашдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Андижон область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Николай Петрович **Пакка «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида ва халқ контроли органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири ўртоқ Лев Михайлович **Землянушновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

# ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

«Узгипротяжпром» лойиҳалаш институти коллективининг сайловолди йиғилиши бўлди. Лойиҳа бош инженери Н. С. Гончаров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетровни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қилди.

Институт бўлими группасининг раҳбари Р. У. Қосимова, техника бўлими бошлиғи Ю. Т. Сироткин, партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Ф. А. Кориткин, инженер Л. Г. Никитенко бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш **Тимофей Николаевич Осетров**ни Тошкент шаҳридаги 13-Пушкин сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Халқлар Дўстлиги орденли Марғилон «Атлас» абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқув фабрикасида корхонанинг юзлаб ишчилари республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига ўз номзодини кўрсатиш учун йиғилишга келдилар.

Илғор тўқувчи Н. Усубалиева тўқувчи, коммунист, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори А. Ҳабибуллаевни бирлашма коллективи номидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қилди. Бирлашма директори Р. Б. Бобобеков, мастер ёрдамчиси Р. Мирзаев, фабрика партия ташкилотининг секретари Л. Ўрунбоевалар ўз нутқларида бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш қатнашчилари **Абдиваҳоб Ҳабибуллаев**ни 415-Маориф сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Андижон область Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхози меҳнаткашларининг сайловолди йиғилишида илғор пахтачилик бригадасининг бошлиғи С. Қаюмов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ғ. Ҳ. Қодировни Маданият сайлов округидан республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида таклиф киритди.

Кўрсатилган номзодни хўжалик партия комитетининг секретари Н. Тожиддинов, колхозчи, комсомол аъзоси М. Ёқубова, механизатор М. Эргашев, 28-мактаб ўқитувчиси М. Сайфуддинова маъқулладилар.

Йиғилиш **Ғайрат Ҳамидуллаевич Қодиров**ни 155-Маданият сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг деҳқонлари ва чорвадорлари совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Абдупатто Солиев**ни 133-Бўз сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Избоскан районидаги Тельман номли колхоз коллективи сайловолди йиғилишида шу колхознинг илғор сут соғувчиси **Хосиятхон Тиллаевна Деҳқонова**ни 138-Коммуна сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига баланд руҳ билан номзод этиб кўрсатди.

Навоий областидаги «Қизилча» совхози меҳнаткашларининг сайловолди йиғилишида шу хўжаликнинг бош чўпони **Файзихон Қўнисов** 261-Чуя сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига якдиллик билан номзод қилиб кўрсатилди.

Наманган областидаги Худойбердиев номли совхоз коллективи совхоз ишчиси **Ойтилла Қирғизбоевна Дадабоева**ни 276-Қўқумбой сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор чиқарди.

Самарқанд областидаги «Ленинчи чорвадор» совхозининг меҳнаткашлари бош чўпон **Рамазон Усмонов**ни бир овоздан 349-Советобод сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодлари этиб кўрсатдилар.

Сирдарё область Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишининг қатнашчилари шу хўжалик правлениесининг раиси **Жавот Кўчиев**ни 392-Комсомол сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг меҳнатчилари сайловолди йиғилишида тракторчи, звено бошлиғи **Энвер Алиев**ни 87-Новая жизнь сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Тошкент область Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозда бўлиб ўтган сайловолди йиғилишида колхоз аъзоси **Муборак Болтабоева** 110-Чиноз сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига бир овоздан номзод қилиб кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

ИЛЛАТЛАРГА ЎТ ОЧАЙЛИК

# „СИРЛИ ТАЁҚЧА“

## ЁКИ ПУЛ ТОПИШНИНГ ОШПАЗ РАҲМОНОВ ИХТИРО ЭТГАН ЯНГИЧА ЙЎЛИ

Ҳозирги пайтда мўъжиза камёб нарса. Учар гиламлар, сирли қалпоқлар, очил дастурхонлар расм бўлган эски замонларни фақат хомуш тортиб эслаш мумкин. Нақадар кўнгилли ҳаёт кечириларди у дамларда! Гоҳи сирли таёқчани қўлга оласан-да, дарахтга уч бора уриб олиб (мўъжизага кўз тегмаслиги учун!), уни бир силкитасан ва...

Бундан буёғига кимнинг заковати нимага етса, шу нарсалар содир бўла бошларди. Шуниси ҳам бор эдики, у пайтлари мўъжизакорлик текинга адо этиларди. Сирли таёқчани қўлингга ол-да, уни аямай силкитавер. Қани энди, ҳозир шундай ноёб нарса қўлда бўлсами... Кўнглимизга сиққан нарсаларни яратавердик...

Шу сатрларни ёзаётиб, эслаб қолдик: э, шундай мўъжизали таёқчалар бор-ку ҳозир ҳам! Бир эмас, бирданига иккита! Қарши районидаги Жизза қишлоғида яшовчи ошпаз Раҳмоновда бор. У шунчаки яшамаётир. Балки эртакларда айтилганидек, роҳат-фароғатда турмуш кечиряпти. Келинг, ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилиб бера қолайлик.

Бор экан-да, йўқ экан, бир ошпаз бўлган экан. Фароғатда яшаркан, ҳеч ниманинг ғамини емаскан. Уни «Эскиангарканалстрой» трестида ҳамма яхши биларкан. Ғаму андуҳ ундан йироқда эди. Бироқ афтидан бир қадар ноқулайликларни ҳис қилиб яшарди. Бўлмаса мўъжизани ўйлаб топишнинг нима кераги бор эди!

Ҳа, шундай бўлди. Кунларнинг бирида у чинакам мўъжизанинг худди ўзгинасини ўйлаб топди. Учар гиламлар давридан буён ҳеч ким бунақасини кўрмаганди. Барча мўъжизаларнинг мўъжизаси деяверинг. У мана шуларни ўйлаб топганди:

Унинг қизи, етти ёшли Каромат — исмнинг маъносини уқинг! — сирли таёқча ёрдами билан барча касалликларга шифо топади. У буни гўё тасодифан сезиб қолгандек кўрсатди ўзини. Бир куни Каромат тунда уйғонганмиш-да шундай деганмиш: «Отажон, мен юрагингиз оғриётганини сезяпман. Ҳозир, ҳозир ўзим даволайман. Менга бир таёқча беринг, — шундайгина қўл етар жойда бир таёқча ётган экан, унинг сирли таёқча эканини ким ҳам билибди дейсиз. Қизча уни қўлига олибди-да, отасининг кўкрагига тегизиб-тегизиб олибди... Шу-шу бўлибди-ю, Раҳмонов икки қўлини кўксига қўйиб тасдиқлашича, оғриқ дарҳол йўқолибди.

Мўъжиза келиб чиқишининг расмий тавсифи мана шундай. Сезяпсизми, эртак сўзлаш қобилияти Раҳмоновда йўқ эмас-а?

Дарҳол соғайиб кетган ота ўз қариндош-уруғлари ва қўни-қўшниларини бу мўъжизадан хабардор қилишга шошилгани тушунарли, албатта. Табиийки, улар орасида у ёки бу дард азоб бериб юрган кишилар оз эмасди. Шундай беморлар жажжигина табиб қиз ҳузурига шошилишди. Қизидан даво топган ошпаз Раҳмоновнинг сиҳат-саломатлиги ва қувноқлиги улар учун ғоят ишонарли далил эди. Яна ўша ота ҳикоя қилишича, дастлабки беморларнинг ҳаммаси қиз ҳузуридан дарддан фориғ бўлиб чиқишганмиш.

Биринчи мўъжиза муваффақиятли яратилганлигидан руҳланиб кетган Раҳмонов орадан бир неча кун ўтгач яна бир янги мўъжизани овоза қилди. Маълум бўлишича, унинг ўн бир яшар ўғли Ҳикматилла, гарчи ўзи бир оз шумроқ бўлса ҳам жуда мўъжизакор ва таёқча ёрдами билан одамларни даволашга бағоят қобилиятли эмиш. У отаси махсус йўниб, силлиқлаб берган сирли таёқча ёрдами билан иш олиб борармиш.

Бир эмас, иккита сирли таёқчага эга бўлганингдан кейин жиддийроқ иш бошлаб юборишни ҳам ўйлаб қоласан, киши. Омилкор одам эмасми, Карим Раҳмонов ҳам пайсалга солиб ўтирмади. Ўз мўъжизаларидан наф кўриш йўлига ўтиб олди.

Реклама ҳамма ишнинг бошланиши, асоси эканлигини ошпаз Раҳмонов жуда яхши биларди. Овоза, шов-шув, миш-мишлар эса унинг учун ғоят яхши реклама воситасини ўтарди. Район, область бўйлаб мўъжизакор оила тўғрисидаги овозалар тарқалиб кетди. Бир гап иккинчисидан жозибалироқ, сеҳрлироқ эди.

— Эшитдингизми, Жизза қишлоғида муқаддас болалар пайдо бўлибди...

— Айтишларича, қизча тунлари қабристонда девлар ва муқаддас руҳлар билан суҳбатлашармиш... Қизчанинг мўъжизали таёқчаси ғоят сеҳрли хусусиятга эгамиш.. Барча хасталикларни осонгина даволармиш...

Раҳмоновларнинг уйига отлиқ ё яёв келувчи лақма одамларнинг кети кўринмасди. Уларни бир нарса — ҳозирги замон медицинаси ёрдам бера олмаган дардлардан холи этишга сирли таёқча ёрдам берар деган умид етаклаб келарди.

Лақмалар оламда кам эмас экан. Ўзининг «мўъжизалари» шунчалик қизиқиш уйғотишини Раҳмоновнинг ўзи ҳам кутмаган эди. Бу оилада ҳормай-толмай мўъжизалар яратила бошланди. Ота қизи билан бирга ишлайди, она ўғли билан беморларни қабул қилади. Келувчилар учун қабул кунлари аниқ белгиланган: душанба, чоршанба, шанба кунлари пешиндан кейин ҳар ким бу даргоҳга умид билан қадам босавериши мумкин. Бир қабул учун уч сўм тўласангиз бас.

Мўъжизакор болаларнинг кишини ҳайратга соладиган қобилиятлари тўғрисидаги гаплар область даволаш муассасаларининг мутахассислари қулоғига ҳам етиб борди. Область руҳий-неврологик диспансерининг бош врачи К. Рустамов, тажрибали мутахассислар Н. Гатаулина, Х. Сафиулина ва икки врачдан иборат ваколатли комиссия болаларнинг хулқ-атворини ғоят синчковлик билан ўрганиб чиққандан кейин шундай қарорга келди: қиз ҳам, ўғил ҳам отанинг кучли таъсири остида, у ўз болаларига гўёки улар кишини ҳайратга соладиган қобилиятга эга эканликлари ҳақидаги фикрни сингдириб юборган. Уларнинг «даволаш» методлари хурофий одатлар характерига эга бўлиб, беморларни ишонтиришга асосланган ва психофизик таъсир билан бирон бир умумийликка эга эмас.

Бироқ врачларнинг бу хулосаси оила бошлиғини заррача ҳам ўйлантирмади. «Оламда анқовлар бор экан, донолар очдан ўлишмайди» — Раҳмонов мана шу ақидага амал қилиб, ўз ишини яна ҳам авж олдириб юборди. У «иш» режимини ўзгартирмоқчи — беморларни ҳар куни қабул қилишни йўлга қўймоқчи ҳам бўлди-ю, болалари мактабдан мутлақо қолиб кетишига тўғри келишини ўйлаб қолди. Шундай ҳам улар «даволаш» кунлари ўқишга қатнамай қўйишган.

Тўғри, Каромат биринчи синфда, Ҳикматулла тўртинчи синфда ўқийди. Кутузов номли мактаб ўқитувчилари уларнинг ўқишга келиб-келмасликларини асло суриштиришмайди. Уларнинг муаллимлари Раҳмоновлар қабулида бўлиб, «даволаш курси»ни олишган.

Ўз мўъжизакор фарзандларининг ғоят тез машҳур бўлиб кетишларидан руҳланган Раҳмонов яқинда яна бир фикрга келиб қолди: Каромат яна бир сеҳрли ихтисос — фолбинликни ҳам эгаллаб олса бўлмасмикин? Бу борадаги дастлабки тажриба ғоят қизиқ бўлди, кулишингизни ҳам, йиғлашингизни ҳам билмайсиз. Каромат ҳузурига қабулга келган «Каршистрой» ишлаб чиқариш-территориал бошқармаси инженери А. Боқиевнинг кафтига қараб туриб, ёш фолбин эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда шундай деди:

— Сиз бор-йўғи 60 ёшгача яшайсиз, кейин ўласиз.

Бу хулоса инженер учун ғоят кескин эди. У 58 ёшни уриб қўйганди. Инженер бечора эс-ҳушини йўқотиб, шу ернинг ўзида йиқилиб қолди. У ҳозир оғир ҳолатда касалхонада ётибди. Кишилар гоҳида мўъжизаларга қанчалар виждонан ишонишади-я!

Биз ҳам Раҳмоновлар қабулида бўлишни ўйлаб қолдик. Йўқ, ўзимизнинг тақдиримизни олдиндан билиб олиш ёки бирор дарддан фориғ бўлиш учун эмас, бизни гарчи ёш болалар бўлсада, чинакам сеҳргарларга бир кўз ташлаб қўйиш фикри қизиқтириб қўйган эди.

Уларни кўрдик ҳам. Ҳамма қатори болалар-да, ўз тенгдошларидан алоҳида ажралиб турадиган бирор бир хислатга ҳам эга эмаслар. Уларнинг ота-оналари эса бошқалардан ғоят ажралиб туришади. Бу фарқ пулга ўчликда яққол кўринади. Бу пулларни энг оддий лўттибозлик йўли билан топишаётганлиги ҳам уларни ўнғайсизлантирмайди. Улар ўзларига ғоят ишонишади. Ҳамма ишни ошкора қилишади. Ўз болалари воситаси билан пул топиш йўлига кириб олганликлари уларни асло қийнамайди.

Биз Раҳмоновлар хонадонидан кўнглимизда оғир ва ташвишли бир ҳиссиёт билан узоқлашдик. Ёшликдан бошлаб турли уйдирмаларга ишонтириб қўйилган болалар тақдири бизни ташвишлантиради. Ажойиб эртаклар ва қувноқ қўшиқлар ўрнига улар турли сўзларни тушуниб-тушунмай такрорлаши кишини ўкситарди. Раҳмоновлар дарвозаси олдида тўпланиб турган кишилар бизни ҳайратга соларди. Наҳотки, бизнинг электрон-техника ва космос парвозлари асримизда аллақаёқдаги мўъжизаларга — гарчи улар «яхши» ният — одамлар соғлиғини яхшилаш йўлида ўйлаб топилган бўлса ҳам — чинакамига ишонадиган кишилар бор? Буларнинг ҳаммаси юз йиллар илгари анча чеккадаги бир қишлоқда эмас, бирор табибни топиш анқонинг уруғи бўлган вақтларда эмас, айни ҳозирги пайтда, йирик замонавий район марказида юз бераётганлиги ташвишли. Мана шу «мўъжизакор» оила яшайдиган хонадондан район партия комитети ва район ижроия комитети ҳам, маъмурий органлар ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам унча олисда эмас... Куппа-кундуз куни рўй бериб турган бу қаллобликка барҳам бериш учун деярли ҳеч қандай иш қилинмаганлиги кишини ташвишлантиради. Раҳмоновлар хонадонига Қарши район партия комитетининг секретари М. Умарова билан район халқ маорифи бўлимининг мудири Ю. Шукуровлар ҳам келиб-кетишди. Болаларни кўздан кечириб: «Бу яхши эмас», — деб қўя қолишди бош силкиб. Ҳа, чиндан ҳам яхши эмас, ҳурматли масъул ўртоқлар. Одамларнинг кўзи ўнгида алмисоқдан қолган иллатларга қайта жон киргизилаётганлиги яхши эмас. Барча болаларнинг кўзи ўнгида бу кичкинтойлар мактабдан қолдирилиб, мурғак қалблари жароҳатланиб, қаллоблик билан шуғулланишга мажбур этилаётганлиги яхши эмас.

Биз ёшларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш, мактабда атеистик тарбияни кучайтириш зарурлиги тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин Кутузов номли мактабнинг «табиб ва фолбин» Каромат ҳузурида «даволаниш» курсидан ўтган ўша ўқитувчиси болаларда қандай дунёқарашни тарбиялаши мумкин? Кўпни кўрган маълумотли бир киши — Боқиевда мўъжизаларга кўр-кўрона ишониш қаёқдан пайдо бўлди? Раҳмоновлар эшиги олдида уймалашиб турадиган ўнларча кишиларда бу ишонч қандай туғилди? Уларнинг кўпчилиги мактабларда, билим юртларида, институтларда ўқишган, биз билан ёнма-ён яшаб меҳнат қилишади.

Булар атеистик тарбиядаги нуқсонларнинг ҳосиласи, албатта. Бу нуқсонлар бажарилган ишлар тўғрисидаги кўпдан кўп справкалар ва докладлар ортида кўринмай кетади. Қашқадарё область илмий-атеизм уйида бўлсангиз, сизга шунча лекция ўқилган, шу-шу жойларда шунча учрашувлар ўтказилган, деб маълумот беришади. Айни пайтда нуфузли раҳбар бир ходим диний маросимда иштирок этаётганлиги, бир тўда қизлар «муқаддас» жойлардан бирига зиёратга отланишганлиги, никоҳ тўйларида аллақаёқлардан олиб келинган мулла ишбоши бўлаётганлиги, айрим ёшлар черковга бориб, шам ёқаётганлиги хусусидаги гап-сўзларни эшитиб қолишга тўғри келади.

Ахир, ҳар бир меҳнат коллективида партия, комсомол ташкилотлари бор-ку? Улар бундай фактларга ғоят кескин ва жиддий баҳо беришлари керак-ку?

Керак, лекин кўпинча қилишмайди. Мана шу бефарқлигимиз заминида, Раҳмоновнинг «муқаддас» оиласида содир бўлганидек, турли-туман мўъжизалар илдиз отаверади. Бу иллатни таёқчани бир ўйнатиб даволай олмайсан, гарчи бу таёқча уч бора сеҳрли бўлса ҳам. Бу ўринда фақат турли-туман иллатларга, ўтмиш сарқитларига кишиларда илмий, тўғри муносабатни тарбиялаш бўйича кун сайин қизғин олиб борилган ишгина ёрдам бериши мумкин. Изчил иш, бироқ бефарқлик эмас.

**Қ. СОБИРОВ,**
**А. ТЮРИКОВ,**
**«Правда Востока» мухбирлари.**
**Қарши шаҳри.**

